

## УСТОЗИМИЗ СУГАНО РЕЙКО ХОТИРАМИЗДА МАНГУ ЯШАЙДИ!

故菅野怜子先生を偲んで—先生はいつまでも私たちの記憶の中に生きています！



<https://doi.org/10.5281/zenodo.8088738>

*ХАЛМУРЗАЕВА Нодира*

*ノディラ・ハルムルザエワ*

*Япон филологияси кафедраси мудири, Ph.D., доцент, ТДШУ*

Ph.D. TSUOS 日本学部 日本語講座長

Тошкент давлат шарқшунослик университети “Япон филологияси” кафедраси фахрий доценти, Ўзбек японшунослигининг асосчиси, японшунослик соҳасидаги беҳисоб шогирдларининг азиз устози СУГАНО РЕЙКО 2022 йилнинг 20- октябрь куни Япониянинг Хёго перфектураси Тацуно шаҳрида вафот этди. Аммо бу умри давомида ўзидан ўчмас из колдиришга муваффақ бўлди.

Ўзбекистон Япониянинг устози ва профессор бўлиб, Япониянинг Токио университетининг педагогика факультетининг битириб, 9 йил Хёго перфектурасининг Аяси шаҳридаги Эйкава бошланғич мактабида ўқитувчилик қилган.

Ушбу кўп йиллик машаққатли фаолияти мобайнида минглаб талабаларга узининг қимматли билимларини бериб келди. 1969 йилда Кобэ Университетининг педагогика факультетининг битириб, 9 йил Хёго перфектурасининг Аяси шаҳридаги Эйкава бошланғич мактабида ўқитувчилик қилган.

Ушбу кўп йиллик машаққатли фаолияти мобайнида минглаб талабаларга узининг қимматли билимларини бериб келди. 1969 йилда Кобэ Университетининг педагогика факультетининг битириб, 9 йил Хёго перфектурасининг Аяси шаҳридаги Эйкава бошланғич мактабида ўқитувчилик қилган.

菅野先生は1946年2月20日兵庫県で生まれました。1969年に神戸大学教育学部を卒業後、兵庫県で小学校教諭として9年間勤務しました。

У киши 1991 йилдан бошлаб ҳозиргача Япон филологияси кафедрасида фаолият юритиб, доцент даражасига етишди. Шу билан бир қаторда бир қанча фалсафа докторларининг устози ҳисобланади.

1991年9月よりタシケント国立東洋学大学で日本語と日本文化を教え始めました。長年の懸命な努力の中で貴重な知識を何千人もの学生に与えてきました。

Устозимиз Сугано Рейко Ўзбекистондаги фаолияти давомида халқаро алоқаларни мустақамлашга улкан ҳисса қўшди. Жумладан, Япониянинг Цукуба университети, Токио чет тиллари университети, Хосей университети, Фукусима коллежи орасида таълим борасида шартномалар тузишда бош бўлган. Шунингдек, Япония халқаро фонди, «JICA» волонтерлар фонди орасида яқин ҳамкорлик алоқалари ўрнатилишида ҳам доимий иштирок этиб келган.

1991年より極東南アジア諸国言文学部に所属し、准教授まで昇進しました。その間に、大学の国際関係強化の指導者として多大な貢献をされました。特に、日本の筑波大学、東京外国語大学、法政

大学、福島短期大学との間で教育協定を締結する際に主導的な役割を果たしました。また、国際交流基金や JICA との協力関係の確立にも貢献しました。

1995 йилда Сугано Рейкониинг фаол иштирокида ТДШИда Япон филологияси кафедраси қошида лингафон хонаси очилди. Япония халқаро фонди гранти асосида ушбу хона керакли жихозлар билан таъминланиб, япон тили таълим сифатини янада оширишга муваффақ бўлинди. Айтиш жоизки, 1996 йилдан бошлаб япон тилидаги китобларга бой кутубхона ташкил этилишига ҳам айнан устозимиз сабабчи бўлган.

Сугано Рейко 2000 йилда Япон филологияси кафедрасида япон тилини тараққий этишига ўз хиссасини қўшиб, беҳисоб шогирдлар тайёрлашдаги хизматлари учун ТДШИ фахрий доценти унвонига сазовор бўлган.

1995 年には先生の積極的な参加により、日本語講座が開設されました。国際交流基金の助成を受け、必要な設備を整えたこの部屋によって、日本語教育の質を向上させることができました。また、1996 年には日本語の本が豊富な図書室を設置したことは、さらなる日本語教育の発展につながった理由であると言わなければなりません。

2000 年菅野先生は、日本語の発展と多くの学生を育成した功績により、名誉教授の称号を授与されました。

2003 йил ноябрда Япония халқаро алоқалар фонди томонидан ўтказилган япон тили ўқитувчилари семинарида иштирок этиб, CEFR стандартига асосланган, япон тили бошланғич, ўрта ва юқори даражаларининг бир неча ўқув дастури ва ўқув қўлланмаларини яратган.

2003 年 11 月、国際交流基金主催の日本語教師ワークショップに参加し、CEFR 基準に基づいた初級・中級・上級の日本語カリキュラムと学習ガイドを作成しました。

2006 йил сентябрда Цукуба Университети ва ТошДШИ ўртасида “ Марказий Осиё Халқаро ҳамкорлик илмий тадқиқот маркази ”ташкил топиб, шундан бери Сугано Рейко 17 маротаба шу икки университет орасида Халқаро конференцияларни ташкиллаштиришда қатнашиб, ТошДШИ талабаларини стажировкага юбориш ва япониялик талабаларни қабул қилиш каби қўп меҳнат талаб қиладиган бир қанча ишларни амалга ошириб келди.

Цукуба Университетининг минтақавий илмий тадқиқот маркази билан ҳамкорликда ўтказилган бир неча Халқаро конференцияларнинг бирида “Ўзбекистонда босиб ўтган 12 йиллик йўлим” каби мавзуда ҳам маъруза қилган.

2006 年 9 月、筑波大学とタシケント国立東洋学大学の間で「中央アジア連携センター」が設立されました。それ以来、17 回の国際会議に参加し、当学の学生を派遣、インターンシップや日本人学生の受け入れに尽力されました。

筑波大学の地域科学研究センターと協力して開催された国際会議の 1 つでは「ウズベキスタンでの 12 年間の旅」というテーマで発表しました。

Сугано Рейко ўнга яқин китоблар, бир қанча мақолалар муаллифи эди. 2005 йили “Япония ва Евросиё: Тил маданиятларни боғлайди “ ва 2008 йили “Матнларни ўқиш салоҳиятини ошириш учун”, 2010 йил мартда Япон тилининг ўрта даражасига оид ўқув қўлланмаларини нашр этириб, япон тили таълимига оид тадқиқот ишини ҳам олиб борди. У 2 ва 3- босқич Ўзбекистон талабалари учун Япон тили дарслигини яратган бўлиб, япон тилини ўқитишдаги янги методикага тегишли бир қатор китоблар муаллифи ҳисобланади. Шунингдек «Шарқ машъали» ва бошқа бир қанча журнал, илмий нашрларда мақолалари ҳам чоп этилган.

菅野先生は、約 10 冊の本と多くの記事を執筆しました。また、日本語教育に関する研究も行い、2005 年に『日本とユーラシア：言語は文化をつなぐ』、2008 年には『読解力を向上させるために』を出版し、2010 年 3 月には中級レベルの日本語教育ガイドを出版しました。ウズベキスタンの 2 年生と 3 年生向けの日本語教科書を作成し、日本語教育の新しい方法論に関する多くの本の著者でもあります。また「Sharq Mashali」などの学術的雑誌にも記事を掲載しました。

Сугано Рейко беҳисоб талабаларни ўқитиш ва уларни етук мутахассислар сифатида етиштириб, бир қатор нуфузли ташкилотларга жумладан, Ўзбекистондаги Япония элчихонаси, Япониядаги Ўзбекистон элчихонаси, Ўзбекистон Япония инсон ресурслари маркази, Япония иқтисодий агентлиги (JICE), ТДШУ Япон филологияси кафедраси, Ўзбекистон юридик давлат университети, Ўзбекистон жаҳон иқтисодиёти ва дипломатияси университети, Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети, Ташқи ишлар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Ҳаво йўллари, Япониядаги нуфузли компанияларга юқори малакали кадрларни тайёрлаб беришда хизматлари катта.

Бир сўз билан айтганда, устозимиз Ўзбекистондаги япон тилини ривожлантиришда ўзининг улкан ва беғараз ҳиссасини қўшган, аммо шу билан бирга жуда камтар инсон эди.

菅野先生は、数え切れないほどの学生を指導し、日本語の専門家に育ててきました。彼らは在ウズベキスタン日本国大使館、在日ウズベキスタン大使館、ウズベキスタン日本センター、日本経済庁など、多くの権威ある組織で活躍しています。JICA、JICE、ウズベキスタン国立法科大学、ウズベキスタン世界経済外交大学、ウズベキスタン国立世界言語大学、外務省、内務省、ウズベキスタン航空など。また日本の一流企業にも貢献できる優秀な人材を育てました。

ウズベキスタンの日本語の発展に貢献した偉大な先生ですが、一言でいうと、非常に謙虚な方でした。

Сугано Рейко ҳар йили Тошкент давлат шарқшунослик университетида ва халқаро миқёсда нотиклик санъати танловига талабаларни тайёрлаб келди ва натижада талабалар ҳар доим юқори натижаларни эгаллаб келдилар.

菅野先生は毎年、タシケント国立東洋学大学および国際的なスピーチコンテストに向けて学生を指導し、その結果、学生は常に高い成績を収めました。

2010 йилдан шу кунга қадар Сугано Рейко ташаббуси билан Тошкент давлат шарқшунослик университети Япон филологияси кафедрасида ҳар ҳафта илмий-методик семинар ўтказилиб келинди. Шунингдек, ҳар йили унинг ташаббуси билан Цукуба Университети билан ҳамкорликда халқаро конференция ташкил этилиб келинди.

2010 年から、菅野先生のイニシアチブで、タシケント国立東洋学大学では日本言語講座で学術的セミナーを毎週開催しています。また、先生の発案により、筑波大学との協力で国際会議が毎年開催されています。

Ўзбек ўқитувчилари билан бир қаторда кафедра ташкил этилган биринчи кундан бошлаб фаолият юритаётган япониялик мутахассис Сугано Рейконинг Ўзбекистонда японшуносликни ривожланишга қўшган ҳиссаси алоҳида эътиборга олиниб, кўп йиллик самарали ва фидокорона меҳнати учун 2014 йилда у Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислон Каримов томонидан “Дўстлик” ордени, 2017 йилда Япония императори томонидан Қуёш ва кўмуш нурлари ордени билан тақдирланган.

ウズベキスタンにおける日本研究の発展への貢献が高く評価され、2014 年にイスラム・カリモフ ウズベキスタン共和国初代大統領より友好勲章「ドストリク」を受けました。

2017 年には、ウズベキスタンの日本語教育の基礎を築き、両国の友好関係構築に貢献したことに對して日本国天皇より瑞宝双光章ずいほうそうこうしょうが授与されました。



Ҳозирга қадар бир қанча магистрантлар, тадқиқотчиларнинг илмий раҳбари ҳисобланган Сугано Рейко атрофидаги шогирдларига нисбатан жуда талабчан, маъсулиятли, қаттиқ қўл бўлишларига қарамай, шу билан бирга жуда меҳрибон педагог аёл эди. Илм доираси жуда кенг бўлиб, юқори даражадаги маърузалар билан барчанинг диққатини жамлай олар эди. Дарсларни ўта юқори маҳорат билан ўтиб, талабаларни дарсга қизиқтира олиш қобилиятига эга бу инсон кафедранинг ҳаётида ҳам жуда фаол иштирок этиб ҳамма масалаларда жонқуярлик билан ёрдамга отланарди.

大学院生や研究者の学術的リーダーであった菅野先生は、責任感が強く、非常に要求が厳しく学生に対しても厳格でしたが、同時に心が温かく優しい教育者でした。知識の範囲は広く、レベルの高い講義で注目を集めました。学生が興味を持つ授業を行う能力を持っているだけでなく、学生の生活の中にも積極的に関わり、あらゆる面で熱心に助けになりました。

Сугано Рейко Тошкент давлат шарқшунослик университетида 30 йилдан ортиқ тажрибали педагог ва маҳоратли ташкилотчи сифатида самарали меҳнат қилиб, ёш авлодга беминнат таълим ва тарбия бериб келгани учун ҳамкасбларининг ва шогирдларининг ҳурматиغا, таҳсинига сазовор инсондир.

Бу инсон барчамизнинг қалбимизда бетакрор инсон сифитида бутун умрга муҳрланиб қолади!

経験豊富な教育者である菅野先生は、タシケント国立東洋学大学で 30 年以上にわたり、私たちのまとめ役として力を注ぎ、働き、若い世代を育てて、私たちに幸せな教育を与えてくれました。同僚・学生たちの尊敬と称賛に値する方です。

菅野怜子先生は唯一無二の存在として、私たちの心に永遠に残ることでしょう！

**この記念映画を菅野先生に捧げます！**

<https://youtu.be/mQezONC03JY>

**Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Халмурзаева Н.Т. Япон филологияси кафедрасининг сўнгги йилларда эришган ютуқ ва натижалари // Ўзбекистон Япония ҳамкорлигининг янги уфқлари рисола, 2019. Б.-22-28.
2. Японияда таълим тарбия масалаларидаги стереотиплар Японшунос лар халқаро форуми илмий тўплами– Тошкент, 2021.Б. 303-309.